

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УТАЕВ АБДУХОЛИҚ АБДУРАШИДОВИЧ

**ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРДА КУЗГИ БУҒДОЙНИ СУҒОРИШ
ТАРТИБЛАРИ ВА ТЕХНИКАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Утаев Абдухолик Абдурашидович

Шўрланган ерларда кузги буғдойни суғориш тартиблари ва техникаси
элементларини такомиллаштириш методологияси..... 3

Утаев Абдухолик Абдурашидович

Методология совершенствования элементов техники и режима
орошения озимой пшеницы на землях подверженных засолению 21

Utaev Abdukholik Abdurashidovich

Methodology of improving of irrigation techniques elements and irrigation
regime of winter wheat crops in the salinated lands..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УТАЕВ АБДУХОЛИҚ АБДУРАШИДОВИЧ

**ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРДА КУЗГИ БУҒДОЙНИ СУҒОРИШ
ТАРТИБЛАРИ ВА ТЕХНИКАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Г2212 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва "ZiyoNet" ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Икрамов Раҳимжон Каримович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шеров Анвар Гуламович
техника фанлари доктори, профессор

Авлиякулов Мирзоолим Авазович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
профессор

Ётақчи ташкилот:

Тошкент Давлат Аграр Университети

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 й « 9 » июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-22-67, 237-22-09, факс: 237-54-79. e-mail: admin@tiame.uz.)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (176 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2021 йил «23» июль кuni тарқатилди.
(2021 йил «22» июль даги 176 рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

А.А. Янгиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, т.ф.д., профессор

М.Х. Хамидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган сув тежовчи технологияларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Ривожланган давлатларда тупроқ шўрланиш даражаси ортиб бораётганлиги¹ шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари жумладан, кузги буғдойдан юқори ҳосил олишда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва экинлардан олинаётган ҳосилнинг кўпайиши имкониятини яратадиган суғориш тартиблари ва технологиялари амалиётга кенг жорий этишни тақазо этади. Шу жиҳатдан, шўрланган тупроқларда ҳам кузги буғдой етиштиришда суғориш суви сарфларини камайтириб, суғориш самарадорлигини ошириш, суғориш тартиблари ва техникаси элементларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда кузги буғдой етиштиришда ресурстежамкор технологиялар ва суғоришларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, кузги буғдойни суғоришда сув ресурсларини тежаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, шўрланишга мойил тупроқларда ҳам етиштириладиган кузги буғдойнинг нормал ўсиши ва ривожланишини таъминлайдиган кузги буғдойни суғориш техникасининг макбул элементларини аниқлаш услубини такомиллаштириш, суғориш меъёрлари ва муддатларини асослашга қаратилган тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда агросаноат мажмуида кузги буғдойни суғориш тартиби ва техникаси элементларини дала шароитига мос, тўғри белгилашга имкон берадиган тежамкор технологиялар, суғориш тартибларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш²» муаммолари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан республиканинг суғориладиган ярим гидроморф тупроқлари шароитида, турли даражада шўрланган майдонларда суғориш тартиби ва техникаси элементларидан фойдаланиш самарадорлигини тажрибалар асосида аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида³» ва

¹ <http://www.fao.org/faostat/#>; <https://www.zerno-ua.com>, https://ru.wikipedia.org/wiki/Засоленные_почвы.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

2019 йил 17 июлдаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари» тўғрисидаги фармонлари, 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4801-сонли «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари» тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республиканинг суғорма деҳқончилигида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари, тартиблари, техника ва технологиялари тупроқнинг сув-физик хоссаларига, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганишлар бўйича хулосалар С.Н.Рыжов, Н.Ф.Беспалов, Қ.М.Мирзажанов, Н.К.Нурматов, Б.М.Халиков, А.Э.Авлиякулов, М.Х.Хамидов, Р.К.Икрамов, Б.Ш.Матякубов, С.Х.Исаев, Х.Э.Махсадов ва бошқа олимлар тадқиқотларида ёритилган.

Эгитлаб суғориш техникаси элементларини тўғри белгилаш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича Ф.М.Рахимбаев, Б.С.Серикбаев, С.Х.Исаев, J.Kifetew, M.Patrick, D.R.Shelton, Б.Ф.Қамбаров, Г.А.Безбородов, А.Э.Авлиякулов, Р.Сиддиқов, К.Мўминов ва бошқа олимлар изланишлар олиб борган.

Бугунги кунда юқоридаги олимлар томонидан олиб борилган изланишларда маълум натижаларга эришилган, бироқ Жиззах вилоятининг қадимдан суғориладиган, ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг «Половчанка» навини шўрланган ерларда ғўза қатор орасига ва ҳайдалган майдонга экиш технологияси қўлланганда кузги буғдойнинг суғориш тартиблари ва дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-071-2015-«Ҳозирги шароитда суғориладиган ерларда ишлаб турган гидромелиоратив тизимларни мелиорация ва гидромодуль районлаштириш методологиясини такомиллаштириш» (2015–2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жиззах вилоятининг қадимдан суғориладиган, ўтлоқи бўз, шўрланишга мойил тупроқларида, кузги буғдойни ғўза қатор орасига ва очик майдонга ҳайдаб экиш технологияси бўйича суғориш тартиблари ва техникаси элементларини ҳисоблаш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўза қатор орасига ва очик майдонга шудгорлаб экилган кузги буғдойнинг мақбул суғориш тартиблари, бир марталик ва мавсумий суғориш меъёрларини тупроқ ғоваклигининг ўзгаришини инобатга олиб ишлаб чиқиш;

ғўза қатор орасига экилган кузги буғдойни эгатлаб суғориш техникасининг мақбул элементларини аниқлаш усули, тупроқнинг сув ўтказувчанлигини ҳисобга олиб такомиллаштириш;

очик майдонга шудгорлаб экилган кузги буғдойни эгатлаб суғориш техникасининг мақбул элементларини аниқлаш усули, тупроқнинг сув ўтказувчанлигини ҳисобга олиб такомиллаштириш;

ғўза қатор орасига ва очик майдонга шудгорлаб экилган кузги буғдойни сувга бўлган биологик талабининг ҳар хил таъминланганлигини аниқлаш усули вегетация даври ва ойлар кесимида иқлим кўрсаткичлари ўзгарувчанлигини инобатга олиб такомиллаштириш;

ғўза қатор орасига ва очик майдонга шудгорлаб экилган кузги буғдойни етиштиришда суғориш тартиблари ва техникаси элементларининг дон ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш усулини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, Жиззах вилоятининг суғориладиган ярим гидроморф ва автоморф, шўрланишга мойил тупроқларида, кузги буғдойнинг «Половчанка» нави ва уни етиштириш, таҳлиллаш, суғориш тартиблари ва техникаси элементлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини кузги буғдойнинг шўрланган тупроқларда ғўза қатор орасига ва ҳайдалган очик майдонда етиштириш, суғориш тартиблари ва техникаси элементлари, тупроқнинг сув-физик хоссалари, сизот сувлари сатҳининг ўзгариши, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва кузги буғдойни суғориш тартибларининг ҳосилдорликка таъсирини математик моделлаштириш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида дала тажрибаларини жойлаштириш ва барча ўлчов, кузатув ва ҳисоблашлар «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», эгатларга берилаётган сув сарфлари «Томсон-90» сув ўтказгичларидан фойдаланиш ва тадқиқотлардан олинган маълумотларни математик-статистик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмасидаги дисперсия таҳлили усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шўрланган тупроқларда ғўза қатор орасига ва ҳайдалган майдонга экилган кузги буғдойнинг мақбул суғориш тартиблари, бир марталик ва мавсумий суғориш меъёрлари тупроқ ғоваклигининг ўзгаришини инобатга олиб ишлаб чиқилган;

шўрланган тупроқларда ғўза қатор орасига ва ҳайдалган майдонга экилган кузги буғдойни эгатлаб суғоришда эгатларга бериладиган сув сарфи тупроқнинг сув ўтказувчанлигини ҳисобга олиб аниқланган;

ғўза қатор орасига ва ҳайдалган майдонга экилган кузги буғдойни сувга бўлган биологик талабининг таъминланганлигини аниқлаш усули вегетация даври ва ойлар кесимида атмосфера ёғинлари, ҳавонинг ҳарорати,

шамолнинг тезлиги ва қуёшнинг давомийлигининг ўзгарувчанлигини инобарга олиб такомиллаштирилган;

кузги буғдойнинг биологик сувга бўлган талабининг таъминланганлиги ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда ғўза қатор орасига ва ҳайдалган майдонга экилган кузги буғдойнинг суғориш меъёрлари ва муддатлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Жиззах вилоятининг қадимдан суғориладиган, шўрланишга мойил, енгил кумоқ, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг суғориш тартиблари ва техникаси элементларини такомиллаштириш усуллари қўлланилганда, кузги буғдойдан сифатли ва юқори ҳосил етиштириш учун суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда суғоришда, ярим гидроморф тупроқлар шароитида назоратга нисбатан ғўза қатор орасига экилганда 2,7 ц/га ва очиқ майдонга ҳайдаб экилганда 2,9 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга эришилган. Автоморф тупроқлар шароитида назоратга нисбатан ғўза қатор орасига экилганда 3,0 ц/га ва очиқ майдонга ҳайдаб экилганда 3,5 ц/га қўшимча дон ҳосили олиниши таъминланган.

Кузги буғдойни суғоришда нишаблик 0,002, эгат оралиғи ғўза қатор орасига экилганда 0,9 м ва очиқ майдонга ҳайдаб экилганда 0,6 м бўлганда, эгат узунлиги 100 м, эгатга берилаётган сув сарфи аввал 0,38-0,41 л/с, сув эгат охирига етгач 0,22-0,25 л/с камайтириб берилса, автоморф тупроқлар шароитида ғўза қатор орасига экилганда назоратга нисбатан 22 фоизгача ва очиқ майдонга ҳайдаб экилганда 27 фоизгача кам сув сарфланиши аниқланган. Ярим гидроморф тупроқлар шароитида ғўза қатор орасига экилганда назоратга нисбатан 10 фоизгача ва очиқ майдонга ҳайдаб экилганда 20 фоизгача кам сув сарфланиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Долгов доираларидан фойдаланиб тупроқнинг сув ўтказувчанлигини аниқлаш, кесма қудуқ қазиб тупроқнинг ҳажм оғирлигини аниқлашнинг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги ва ушбу йўналишдаги тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқлим ўзгариши, тупроқ шўрланиш миқдори ортиб бориши ва сув ресурсларининг кескин камайиб бораётганлигига илмий ёндашиб, Жиззах вилоятининг қадимдан суғориладиган, шўрланишга мойил, ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида, ғўза қатор орасига ва очиқ майдонга ҳайдаб экиш технологиялари бўйича кузги буғдойнинг «Половчанка» навини суғориш тартиблари ва техникаси элементларинидан асосли фойдаланилганда кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлигига ва суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлигига таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жиззах вилоятининг қадимдан суғориладиган, шўрланишга мойил, ўтлоқи бўз тупроқлари

шароитида кузги буғдойни етиштиришда суғориш тартиблари ва техникаси элементларидан асосли фойдаланиб, амалиётга жорий қилиш натижасида тежалган дарё сувларини суғоришга йўналтириб, пировардида хўжаликларида рентабеллик даражаси ярим гидроморф тупроқлар шароитида олиб борилган тажрибаларда ўртача 14,4-16,7% бўлганлиги, автоморф тупроқлар шароитида олиб борилган тажрибаларда ўртача 19,3-19,4% бўлганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шўрланишга мойил тупроқлар шароитида кузги буғдойни суғориш тартиблари ва техникаси элементларини такомиллаштириш услубияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ғўза қатор орасига ва ҳайдалган майдонга экилган кузги буғдойнинг мақбул суғориш тартиблари, бир марталик ва мавсумий суғориш меъёрлари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Жиззах вилояти Сирдарё-Зарафшон ИТХБда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 январдаги 03/25-105-сонли маълумотномаси). Натижада ғўза қатор орасига экилган кузги буғдой даласидан 2,7-3,0 ц/га ва очик майдонга шудгорлаб экилган кузги буғдой даласидан 2,9-3,5 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган;

ғўза қатор орасига ва ҳайдалган майдонга экилган кузги буғдойни суғоришда эгатларга бериладиган мақбул сув сарфлари бўйича тавсиялар Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Жиззах вилояти Сирдарё-Зарафшон ИТХБда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 январдаги №03/25-105-сон маълумотномаси). Натижада ғўза қатор орасига экилган кузги буғдойни суғоришда 10-22%, очик майдонга шудгорлаб экилган кузги буғдойни суғоришда 20-27% суғориш сувини иқтисод қилиш имконияти яратилган;

ғўза қатор орасига ва ҳайдалган майдонга экилган кузги буғдойнинг суғориш меъёрлари ва муддатлари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Жиззах вилояти Сирдарё-Зарафшон ИТХБда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 10 январдаги №03/25-105-сон маълумотномаси). Натижада коллектор-зовур ва суғориш тармоқларининг мақбул параметрларни аниқлаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзу бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон ва жаҳонда долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Шўрланган ерларда кузги буғдойни суғориш тартиблари ва техникаси элементларини такомиллаштиришга қаратилган илмий ва назарий тадқиқотларининг ретроспектив таҳлили»** деб номланган биринчи бобида кузги буғдойни суғориш техникаси, технологиялари ва тартиблари бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Диссертацияда келтирилган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, Жиззах вилоятининг суғориладиган шўрланишга мойил тупроқларида кузги буғдойни ғўза қатор орасида ва очиқ майдонларда етиштирилганда, суғориш тартиби ва техникаси элементларини такомиллаштириш методологиясининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг **«Жиззах вилоятининг табиий хўжалик шароитлари ва тадқиқотлар ўтказиш объекти, тизими, услублари ҳамда агротехник тадбирлар таснифи»** деб номланган иккинчи бобида Жиззах вилоятининг суғориладиган ерларида дарё сувларини иқтисод қилиш, сув танқислигининг салбий оқибатларини камайтириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш зарурати ва ПСУЕАИТИнинг тажриба станцияси ва фермер хўжаликларида қабул қилинган агротехник тадбирлар амалга оширилган ҳолда кузги буғдойдан олинган доннинг ҳосилдорлиги йиғиштириб олинганлиги келтирилган.

Барча арид минтақалар учун хос бўлганидек, Жиззах вилояти учун ҳам гидротермик режимнинг контрастлиги характерли хусусиятдир. Энг паст ўртача ойлик ҳаво ҳарорати январь ойида $+1+3^{\circ}\text{C}$, июль ойидаги энг иссиқ ҳарорат $+28+29^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади, октябрь ва ноябрь ойларидан бошлаб ҳароратнинг кескин пасайиши кузатилади. Ёзнинг айрим кунлари ҳаво ҳарорати $+46+47^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Суғориладиган ерлари тупроғининг катта қисми турли даражада шўрланган (1-расм).



1-расм. Жиззах вилояти суғориладиган ерларининг шўрланиш ҳолати

Илмий-тадқиқот ишлари Жиззах вилоятининг ярим гидроморф ва автоморф тупроқлари шароитида кузги буғдойни экиш технологиялари бўйича 3та такрорликда олиб борилди (1-жадвал).

1-жадвал

Экиш технологиялари бўйича олиб борилган дала тажриба тизими

№	Технология	Суғориш олди тупроқ намлиги, ЧДНСга нисбатан, %	Ўтказилган жой	
Г1	Шудгор қилинган ерга экилган кузги буғдой	Назорат	Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги ПСУЕАТИнинг тажриба хўжалигида	
1		65-65-60		
2		70-70-60		
3		70-80-60		
Г2	Ѓўза қатор орасига экилган кузги буғдой	Назорат		
4		65-65-60		
5		70-70-60		
6		70-80-60		
А1	Шудгор қилинган ерга экилган кузги буғдой	Назорат		Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги Бахт СИУ га қарашли «Алгоритм Бунёдкори» фермер хўжалигида
1		65-65-60		
2		70-70-60		
3		70-80-60		
А2	Ѓўза қатор орасига экилган кузги буғдой	Назорат		
4		65-65-60		
5		70-70-60		
6		70-80-60		


Дала тажрибалари 2013-2016 йилларда Жиззах вилояти Пахтакор тумани ва Зарбдор туманида очик майдонга ҳайдаб экиш ва ғўза қатор орасига экиш технологиялари бўйича кузги буғдойнинг «Половчанка» навида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60, 70-70-60 ва 70-80-60%, тартибларида амалга оширилган ва илмий-тадқиқот ўтказилган. Барча лаборатория, дала тажрибалари ва кузатув, таҳлил ҳамда ҳисоблар Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида қабул қилинган услублар асосида ўтказилган.

Ушбу бўлимда барча агротехник тадбирлар тажриба станцияси ва фермер хўжаликларида қабул қилинган агротехник тадбирларга риоя қилинган ҳолда ўз муддатларида амалга оширилган ҳолда кузги буғдойнинг дон ҳосили йиғиштириб олишга эришилди.

Диссертациянинг «**Шўрланган тупроқларда кузги буғдойни суғориш тартиблари ва техникаси элементларини такомиллаштириш методологияси натижалари ҳамда уларнинг таҳлиллари**» деб номланган учинчи бобида экиш технологиясининг кузги буғдой ўсиши ва ривожланишига, тупроқнинг ҳажм массасига (зичлигига), тупроқнинг агрофизик хусусиятлари ва сув ўтказувчанлигига таъсири ўрганилди (2-расм).

Ўлчов натижалари асосида тажриба далалари тупроғининг сув ўтказувчанлиги ва эгатнинг параметрларидан фойдаланиб ғўза қатор орасига

ва очик майдонга хайдаб экиш технологияси бўйича кузги буғдойни суғориш техникаси элементларини аниқлаштириш ҳисоблари бажарилди (2-жадвал).



2- расм. Ғўза қатор орасига (ҒҚО) ва ҳайдалган майдонга (Х.М) кузги буғдой экилган тажриба даласи тупроғининг сув сингдириш графиги

Ушбу ҳисобларни бажаришда қуйида келтирилган империк боғланиш тенгламасидан фойдаланилди (1-ифода). Ҳисобларни бажаришда дала тадқиқотларига асосланиб, ҳайдалган майдонга экилган кузги буғдой тажриба вариантыда сув эгат охирига етиб бориш муддатида бериладиган сув сарфи 0,41 л/с, илдиз қатламни намлаш учун сув сарфи 0,25 л/с берилиши, ғўза қатор орасига экилган тажриба вариантыда сув эгат охирига етиб бориш муддатида бериладиган сув сарфи 0,38 л/с, илдиз қатламни намлаш учун сув сарфи 0,22 л/с дан ҳар эгатга берилганида суғориш техникасининг ФИКи юқори бўлиши аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Экиш технологияси бўйича кузги буғдойни суғориш техникаси элементларини аниқлаштиришнинг асосий ҳисоблари


Суғориш техникаси элементлари	Формула, бирлиги	Ҳайдалган майдон	Ғўза қатор ораси
Тупроқнинг сув сингдириш қобилияти	$K_{\text{барқарор}}$	0,04	0,03
	K	0,05	0,04
Сув эгат охирига етиб бориш вақти	$t_{\text{етибб.}}$, соат	5,00	3,33
Илдиз қатламни намлаш вақти	$t_{\text{намлаш}}$, соат	5,79	6,31
Эгатнинг хўлланиш периметри	$\chi_{\text{ср}}$, м	0,22	0,43
Фаол хўлланган периметри	$\chi_{\text{а}}$, м	1,00	0,98
Сувни эгат охиригача кетган сарфи	$V_{\text{етибб.}}$, м ³	7,38	4,56
Намлашга берилётган сув сарфи	$V_{\text{намл.}}$, м ³	5,14	7,16
Бефойда сув сарфи	$V_{\text{исроф.}}$, м ³	3,41	1,47
Суғориш техникасининг ФИК	ФИК, %	78,62	88,89
Эгат охирига етгунгача сув сарфи	$q_{\text{о}}$, л/с	0,41	0,38
Илдиз қатламни намлаш сув сарфи	$q_{\text{нам}}$, л/с	0,25	0,22

$$\frac{X_t}{l_{намл}} = \frac{1}{1 + \frac{A}{t^\alpha}} \quad (1)$$

бу ерда X_t – t вақтда сувнинг ҳаракатланиш масофаси, м; A ва α – параметрлар; χ – эгатнинг актив намланиш периметри, м; $l_{намл}$ – эгатнинг намланиш узунлиги чегараси, м; t – суғориш вақт, соат.


Даланинг нишаблиги 0,002, эгат оралиғи ғўза қатор орасига экилганда эгат оралиғи 0,9 м бўлганда, эгатларга бериладиган сув сарфи 0,38 л/с, сув эгат охирига етиб боргач 0,22 л/с, шудгорлаб кузги буғдой экилган тажриба даласида эса эгат оралиғи 0,6 м, эгатларга бериладиган сув сарфи 0,41 л/с, сув эгат охирига етиб боргач 0,25 л/с ни ташкил қилди. Тажриба вариантлари бўйича суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан белгиланган қийматларга етган муддатларда эгатларга бериладиган сув сарфлари юқоридаги келтирилган сув сарфлари асосида амалга ошириб борилди.

Тажрибаларда аниқланишича, суғориш давомида ҳисобий қатламнинг тупроқ шўрланиш даражаси камайиб бориши, суғоришлар оралик муддатларида тупроқ шўрланиш даражаси ортиб бориши кузатилди (5, 6-расмлар).



Экспликация	
Шўрланиш классификацияси	Шўрланмаган
	Кучсиз шўрланган
	Ўрта шўрланган
	Кучли шўрланган
	Жуда кучли шўрланган

5-расм. Тажриба даласининг вегетация бошида тупроқ шўрланиши харитаси



Экспликация	
Шўрланиш классификацияси	Шўрланмаган
	Кучсиз шўрланган
	Ўрта шўрланган
	Кучли шўрланган
	Жуда кучли шўрланган

6-расм. Тажриба даласининг вегетация охирида тупроқ шўрланиш харитаси

Ярим гидроморф тупроқлар шароитида вегетация даврида тупроқнинг шўрланиш даражаси аста-секин ортиб борганлиги кузатилди.

Тажриба даласининг октябрь ва июнь ойларидаги тупроқ шўрланиш даражасини аниқлаш натижалари диссертацияда жадвал кўринишида 7-8 иловаларида келтирилган. 7-расмда дала тажрибаларини ўтказиш жараёни акс эттирилган.



7-расм. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги, ғоваклиги ва намлигини аниқлаш

Дала тажрибаларида суғориш олди тупроқ намлигини чекланган дала нам сифимига нисбатан 70-70-60 % да сақлаб туриш учун, кузги буғдойни суғориш тартиблари ва техника элементларида етиштирилганда 1 ва 4-вариантларда вегетация даврида 3 марта суғориш талаб этилган бўлса, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % бўлганда суғорилган 2 ва 5-вариантларда эса 4 марта суғорилди ва тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60 % бўлганда суғорилган 3 ва 6-вариантларда эса 5 марта суғорилди (3-жадвал).

Қишлоқ хўжалик экинларининг суғориш меъёри ўсимлик тури ва навига, иқлимга, гидрогеологик ва тупроқ-мелиоратив шароитларга боғлиқ ҳолда С.Н.Рыжовнинг рухсат этилган намлик меъёри ифодаси орқали аниқланади:

$$m = (W_{\text{ЧДНС}} - W_{\text{ФАК}}) * 100 * J * h + \kappa, \quad \text{м}^3/\text{га} \quad (2)$$

бу ерда $W_{\text{ЧДНС}}$ - тупроқнинг чегараланган дала нам сифими, тупроқ оғирлигига нисбатан % ҳисобида; $W_{\text{ФАК}}$ - суғориш олди тупроқнинг фактик намлиги, тупроқ оғирлигига нисбатан % ҳисобида; J - тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, $\text{г}/\text{см}^3$; h - ҳисобий қатлам, м; κ - суғориш давомида буғланишга кетган сув сарфи, $\text{м}^3/\text{га}$ (ҳисобий қатламга керакли намлик эҳтиёжидан 10 %).

Барча тажриба вариантларида кузги буғдойни суғориш муддатлари ҳисобий қатламлардаги тупроқ намлигининг пасайиши даражаси чегаралари олдиндан тажриба тизимида белгилаб олинган.

Биринчи тажриба майдонида кузги буғдойнинг вегетация даврида, тажриба тизимида кўра, нам суви бериш билан биргаликда 3-5 марта суғориш амалга оширилди. Ярим гидроморф тупроқлар шароитида экишдан кейинги ҳайдаб экилган кузги буғдой даласида 1, 2 ва 3-вариантлар учун суғориш меъёри 530-770 $\text{м}^3/\text{га}$, ғўза қатор орасига экилган кузги буғдой даласида 4, 5 ва 6-вариантлар учун 510-765 $\text{м}^3/\text{га}$ (3-жадвал).

Кузги буғдой илдиз қатламининг намликка бўлган эҳтиёжининг ҳар хил таъминланганлиги фоизини ҳисоблашда метеорологик об-ҳаво шароити ва кузги буғдой даласидаги транспирация бўйича ҳисоблашнинг такомиллаштирилган услуби асос қилиб олинди (4-жадвал).

Ярим гидроморф ва автоморф тупроқлар шароитида кузги буғдойни суғориш меъёрлари ва схемаси (2015-2016й)

Вариантлар	Экиш технологияси	Суғоришолди тупроқнинг намлиги, %	Суғоришлар, м ³ /га					Суғоришлар схемаси	Мавсумий суғориш меъёрлари, м ³ /га	
			Уруғ суви	1-суғориш	2-суғориш	3-суғориш	4-суғориш			5-суғориш
Ярим гидроморф тупроқлар шароитида										
1	Ҳайдаб экилган кузги буғдой даласи	65-65-60	950	<u>12.04</u> [*] 680 ^{**}	<u>10.05</u> 770	-	-	-	0-1-1	2400
2		70-70-60		<u>22.03</u> 530	<u>18.04</u> 600	<u>13.05</u> 755	-	-	1-1-1	2835
3		70-80-60		<u>22.03</u> 530	<u>12.04</u> 545	<u>24.04</u> 550	<u>16.05</u> 765	-	1-2-1	3340
4	Ғўза қатор орасига экилган кузги буғдой даласи	65-65-60	650	<u>17.04</u> 640	<u>14.05</u> 765	-	-	-	0-1-1	2055
5		70-70-60		<u>25.03</u> 510	<u>20.04</u> 630	<u>16.05</u> 760	-	-	1-1-1	2550
6		70-80-60		<u>25.03</u> 520	<u>15.04</u> 530	<u>27.04</u> 535	<u>20.05</u> 755	-	1-2-1	2990
Автоморф тупроқлар шароитида										
1	Ҳайдаб экилган кузги буғдой даласи	65-65-60	1250	<u>29.03</u> 700	<u>18.04</u> 780	<u>12.05</u> 810	-	-	1-1-1	3540
2		70-70-60		<u>13.03</u> 625	<u>26.04</u> 750	<u>07.05</u> 760	<u>22.05</u> 815	-	1-2-1	4200
3		70-80-60		<u>13.03</u> 620	<u>16.04</u> 560	<u>27.04</u> 560	<u>10.05</u> 565	<u>23.05</u> 810	1-3-1	4365
4	Ғўза қатор орасига экилган кузги буғдой даласи	65-65-60	600	<u>17.03</u> 675	<u>23.04</u> 700	<u>20.05</u> 815	-	-	1-1-1	2790
5		70-70-60		<u>16.03</u> 580	<u>27.04</u> 730	<u>10.05</u> 740	<u>23.05</u> 800	-	1-2-1	3452
6		70-80-60		<u>16.03</u> 590	<u>18.04</u> 555	<u>30.04</u> 550	<u>11.05</u> 560	<u>25.05</u> 790	1-3-1	3645

*Изоҳ: *- суғориш муддати; **- суғориш меъёри*

Очиқ майдонга ва ғўза қатор орасига экилган кузги буғдойни суғориш тартиблари ва техникаси элементларининг ўртача дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш учун вариантлар бўйича 1 м² майдондаги бошоқлар сони, бошоқдаги донлар сони, бир бошоқнинг ва 1000 та доннинг массасини аниқлаш асосида кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлиги аниқланди (маълумотлар диссертациянинг 3.2.6.1-жадвалида батафсил келтирилган).

**Очиқ майдонга ва ғўза қатор орасига экилган кузги буғдой
ҳосилдорлиги**

№	Суғориш олди тупроқ намлиги, ЧДНСга нисбатан, %	Йиллар			Ўртача ҳосилдорлик, ц/га	Назоратга нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га
		2014	2015	2016		
Ярим гидроморф тупроқлар шароитида кузги буғдой шудгорлаб экилган						
Г1	Назорат	25,6	28,9	28,2	27,6	
1	65-65-60	26,1	29,5	28,8	28,1	+0,6
2	70-70-60	29,2	31,5	30,1	30,3	+2,7
3	70-80-60	27,4	29,7	28,5	28,5	+0,9
Кузги буғдой ғўза қатор орасига экилган						
Г2	Назорат	25,4	28,5	26,6	26,8	
4	65-65-60	25,4	29,9	29,1	28,1	+1,3
5	70-70-60	28,2	30,8	30,2	29,7	+2,9
6	70-80-60	26,8	29,2	27,7	27,9	+1,1
Автоморф тупроқлар шароитида кузги буғдой шудгорлаб экилган						
А1	Назорат	26,2	30,1	29,4	28,6	
1	65-65-60	27,3	31,4	31,1	29,9	+1,3
2	70-70-60	29,4	33,4	32,1	31,6	+3,0
3	70-80-60	26,8	30,7	29,8	29,1	+0,5
Кузги буғдой ғўза қатор орасига экилган						
А2	Назорат	27,7	28,4	27,6	27,9	
4	65-65-60	26,6	29,7	28,4	28,2	+0,3
5	70-70-60	28,8	32,2	30,3	30,4	+2,5
6	70-80-60	27,2	30,1	28,8	28,7	+0,8

Кузги буғдой ҳосили кўрсаткичларига математик ишлов бериш Б.А.Доспехов услуби бўйича амалга оширилди. Вариантлар бўйича 3 қайтариқдаги мавжуд фарқларни баҳолаш (ўртача):

$$НСР_{05}=t_{05}*s_d=0,47 \text{ ц/га}; \quad НСР_{05}=(t_{05}*s_d/x)*100=1,6 \% \quad (3)$$

бу ерда s_d – танланган ўртачалар орасидаги фарқнинг хатолиги; x – белгиланган ўзгарувчанлик қиймати; t_{05} – 5% ли аҳамиятлилик даражаси учун t мезонининг жадвалдаги қиймати; $НСР_{05}$ – 5% ли аҳамиятлилик даражаси учун энг кам фарқлар.

Асосий сифат кўрсаткичлари билан алоқадорлиги тавсифланаётган йиллар бўйича ҳар бир йиллик шароитда кузги буғдойнинг вегетация даврига, иқлим ва мелиоратив ҳолат кўрсаткичларидан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун В.И.Мокляк ишлаб чиққан усул қўлланилди.

Жиззах вилояти Дўстлик метеостанциясининг 30 йиллик метео маълумотларига асосланиб бажарилган ҳисоблашлар натижасида маълум бўлдики, кузги буғдойнинг сувга бўлган талаби ихтиёрий ($n=30$ бўлганда $2,3 \div 97,7$ % оралиқ қийматлардаги) фоиз бирлигида таъминланган ойлар

бўйича ва йиллик қийматларига мос ҳақиқий йилларнинг қийматлари солиштирилиб, ихтиёрий таъминланган йилларни ажратиб олиш мумкин (5-жадвал).


5 - жадвал

Кузги бўғдой вегетация даври учун илдиз қатламининг намликка эҳтиёжи 25 %, 50 % ва 75 % таъминланганлик қийматларига мос келадиган йиллар учун ҳисобий суғориш муддатлари ва меъёрлари

Мос келган йиллар	Таъминланганлик, %	Экиш технологияси	Суғоришлар, муддати/меъёрлари				Мавсумий суғоришлар меъёри, м ³ /га
			I	II	III	IV	
1995-1996	25	Ўза қатор ораси	$\frac{20.10}{715}$	$\frac{16.04}{880}$	$\frac{8.05}{880}$	$\frac{27.05}{880}$	3355
		Ҳайдалган дала	$\frac{20.10}{1073}$	$\frac{12.04}{990}$	$\frac{6.05}{990}$	$\frac{25.05}{990}$	4043
2009-2010	50	Ўза қатор ораси	$\frac{20.10}{715}$	$\frac{13.04}{880}$	$\frac{4.05}{880}$	-	2475
		Ҳайдалган дала	$\frac{20.10}{1073}$	$\frac{11.04}{990}$	$\frac{5.05}{990}$	-	3053
2004-2005	75	Ўза қатор ораси	$\frac{20.10}{715}$	$\frac{2.05}{880}$	-	-	1595
		Ҳайдалган дала	$\frac{20.10}{1073}$	$\frac{1.05}{990}$	-	-	2063

Кўриниб турибдики, кузги бўғдойни суғориш меъёри 25 % таъминланган йилга нисбатан 75 % таъминланган йилда қарийб 2 баравар кўп бўлади, шунинг учун сув иншоотларини лойиҳалаш ва қурилиш пайтида қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш тартиблари ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш тавсия этилади (5-жадвал).

Сувга бўлган талаб доирасида ажратиб олинган 25 %, 50 % ва 75 % ли таъминланганлик учун кузги бўғдойни вегетациясига тўғри келадиган ҳақиқий (реал) йилларга Жиззах вилоятининг Дўстлик метеостанцияси метео маълумотлари асосида, ФАО моделидан фойдаланиб, ер ости сизот сувлари 3м ли ўрта ва енгил қумоқ тупроқлари учун кузги бўғдойнинг суғориш меъёрлари ва муддатларини аниқлаш ҳисоби ва суғориш графигини ишлаб чиқдик (8-расм).



8-расм. Олинган йиллар учун адаптация қилинган ФАО графо-аналитик услуги билан ҳисобланган кузги бўғдойнинг суғориш графиги

Диссертация ишида кузги буғдойни ярим гидроморф ва автоморф тупроқлар шароитида ўтказилган дала тадқиқотларида, экиш технологиялари бўйича назорат вариантыга нисбатан ҳар бир вариантдан, гектарига қўшимча ҳосил олишга ва мавсумий суғоришлар меъёри тежалишига эришилганлиги келтирилган. Ўсимликнинг мақбул сув балансини таъминланиши ҳисобига ўрта ҳисобда ҳар бир гектарда 2,7-3,5 ц/га қўшимча ҳосил олишга ва мавсумий суғоришлар меъёри 10-27 % тежалишига эришилди.

Диссертация ишининг «Шўрланган тупроқларда кузги буғдойни суғориш тартиблари ва техникаси элементларини такомиллаштириш методологиясининг математик модели ҳамда иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида кузги буғдой суғорилганида, сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши сабабли тупроқнинг аэрация қисмида сув ва тузлар ҳаракати ва дон ҳосилдорлигига таъсирининг математик модели ишлаб чиқилган. Кузги буғдойни суғориш тартиблари ва техникаси элементларининг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Кузги буғдойни суғориш тартибларининг дон ҳосилдорлигига таъсирини моделлаштиришда, дала тадқиқотларидан олинган натижаларга мос ҳолдаги аниқликда математик моделлари ишлаб чиқилди.

Кузги буғдойнинг «Половчанка» нави учун дон кўчат зичлиги тизимида экилганда унинг мақбул кўчат қалинлиги 300-320 минг/га, суғориш тартиблари ЧДНСга нисбатан 70-70-60 фоиз бўлишини ифода этади. Сифат кўрсаткичларини ифодаловчи математик моддалар қуйидагича бўлади:


$$Y_1^6 = 29,70 - 0,02x - 0,31x_1^6 \quad (R=0,71; F_1=1,9; F_1=4,1)$$

$$Y_2^6 = 2,18 - 0,002x - 0,02x_2^6 \quad (R_2=0,79; F_2=0,007; F_2=4,4)$$

$$Y_3^6 = 4,69 - 0,002x - 0,06x_3^6 \quad (R_3=0,8; F_3=0,1; F_3=3,4)$$

$$Y_4^6 = 26,4 - 0,0007x - 0,12x_4^6 \quad (R_4=0,68; F_4=0,3; F_4=4,3)$$

Бу масаладаги $Y^6, Y_1^6, Y_2^6, Y_3^6, Y_4^6, x_1^6, x_2^6$ лар мос равишда кузги буғдойнинг «Половчанка» навидан дон чиқиши, етуклик коэффициенти, дон пишиқлиги, бошоқ узунлигини анъанавий суғориш технологиясини ифодалайди (9-расм).



9-расм. Шудгорлаб экилган кузги буғдойни суғориш тартиблари ва техника элементлари ўртасидаги корреляцион боғланиш

Навбатдаги барча вариантлар учун ҳисоблар ва графиклар диссертацияда келтирилган.

Гидроморф ва автоморф тупроқлар шароитида кузги буғдойни очиқ ва ғўза қатор орасида етиштиришда суғориш меъёрининг дон ҳосилдорлигига

таъсирини баҳолаш бўйича математик модел ва ЭХМ дастури яратилган (гувоҳнома DGU 09733). Иқтисодий кўрсаткичлар 10-расмда келтирилган.

Иқтисодий ҳисобларни бажариш учун таннархлар 2020 йилдаги ҳаражатлар ва даромадларга асосланди.



10-расм. Суғориш тартиблари ва техникаси элементларининг кузги буғдой ҳосилдорлиги ва рентабелликка таъсири

Ўтказилган уч йиллик тажрибалардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш баробарида, қўлланилган суғориш тартиблари ва техникаси элементларини кенг жорий қилинса, хўжалик учун иқтисодий самарадорлик ва сувдан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлиши аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Кузги буғдойнинг меъёрида ривожланиши учун зарур бўлган намлик ва озикавий моддалардан фойдаланиш самарадорлиги тупроқ ҳисобий қатламининг сув-туз ўтказувчанлиги билан белгиланади, ҳар бир суғоришлар таъсирида ҳисобий қатламдаги ўртача эриган тузларнинг миқдори 0-70 см қатламда 1,7 г/л га камайганлиги ва 70-100 см қатламида эса 1,4 г/л га ошганлиги аниқланди.

2. Кузги буғдой вегетацияси даври бошида, ноябр ойида ҳисобий қатламдаги ўртача шўрланиш миқдори 4,5 г/л, вегетация даври охирида, май ойида 3,6-3,8 г/л ни ташкил қилганлиги, яъни суғоришлар таъсирида 0-70 см ли қатламда шўрланиш даражаси 0,7-0,9 г/л камайганлиги аниқланди.

3. Кузги буғдойни ярим гидроморф тупроқлар шароитида, ҳайдалган майдонда етиштирганда, ўртача уч йилликка асосланган, бир марталик суғориш меъёри 530-950 м³/га ни мавсумий суғориш меъёри уруғ суви билан ўртача 2400-3340 м³/га ни ташкил қилиб, ғўза қатор орасига экиб етиштирилганда бир марталик суғориш меъёри 510-765 м³/га ни мавсумий суғориш меъёри уруғ суви билан ўртача 2055-2990 м³/га бўлди ва сувдан фойдаланиш самарадорлиги ошди, ҳайдалган майдонга экиб етиштирганда, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибида суғорилганда, назоратга нисбатан гектаридан 2,9 ц кўшимча ҳосил олишга ва суғориш техникаси элементларини такомиллаш асосида эгитларга

бериладиган сув сарфларини тўғри танлаб, беҳуда сарфларни олдини олиниши эвазига мавсумий суғоришлар меъёри 27% кам сарфланиши, ғўза қатор орасига экиб етиштирилганда, ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибида суғорилса, назоратга нисбатан гектарига 2,7 центнер қўшимча ҳосил олишга ва суғориш техникаси элементларини такомиллаштириш асосида эгатларга бериладиган сув сарфларини тўғри танлаб, беҳуда сарфларни олдини олиниши эвазига мавсумий суғоришлар меъёри 20 % кам сарфланиши аниқланди.

4. Кузги буғдойни етиштиришда экиш технологиялари бўйича суғориш тартиблари ва техникаси элементларини такомиллаштириш натижасида ўзлаштирилган умумий сув истеъмолининг олинган ҳосилга нисбатан самарадорлиги, вариантлар бўйича ўртача уч йилликда, ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибида 122 м³/ц ни, ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибида 126 м³/ц ва ЧДНСга нисбатан 70-80-60% тартибида 150 м³/ц га тенг миқдорда сув истеъмоли бўлганлиги аниқланди.

5. Кузги буғдой етиштиришда, экиш технологиялари бўйича алоҳида суғориш техникаси элементларини такомиллаштириш асосида эгатлар узунлиги ва унга бериладиган сув сарфларини тўғри танлаш натижасида фильтрация ва ташламага беҳуда сарфларни камайтириш эвазига, автоморф тупроқлар шароитида олиб борилган тажрибаларда ўртача 22-27% кам сув сарфланиб, рентабеллиги 19,3-19,4% ва ярим гидроморф тупроқлар шароитида олиб борилган тажрибаларда ўртача 10-20% кам сув сарфланиб, рентабеллик даражаси 14,4-16,7% бўлганлиги аниқланди.

6. Кузги буғдойнинг сув истеъмоли иқлим ўзгаришига боғлиқ ҳолда кам сувли, ўрта сувли ва кўп сувли йиллар, яъни 25% таъминланган йилга нисбатан 75% таъминланган йилларда қарийб икки баравар сув истеъмоли ортинини, шу асосда, мелиорация ва суғориш тармоқларини лойиҳалаштирилади, экинларни суғориш режими ва сув истеъмолининг ўзгарувчанлиги шароитларини ҳисобга олиш, бунда иқлим ўзгарувчанлиги ва тупроқ гидрогеологик шароитларини ҳисобга олиш тавсия этилади.

7. Сув ресурсларидан фойдаланишда чекловлар ортиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, шўрланишга мойил суғориладиган ерларда кузги буғдой етиштиришда юқори ва сифатли ҳосил олиш билан бирга дарё сувларидан фойдаланишда юқори самарадорликка эришиш учун суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 фоизни ташкил этадиган суғориш тартиблари жорий этилиши тавсия этилади.

8. Шўрланишга мойил, ўрта ва енгил қумоқ тупроқлар шароитида кузги буғдой ҳосилдорлиги ва сув ресурсларида фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлиши учун даланинг нишаблиги 0,002, эгат оралиғи ғўза қатор орасига экилганда 0,9 м ва очик майдонга ҳайдаб экилганда 0,6 м бўлганда, тупроқ намлиги чекланган дала нам сифмига нисбатан 70-70-60% сақланган ҳолда эгат узунлиги 100 м, эгатга бериладиган сув сарфи аввал 0,38-0,41 л/с берилиши, кейинчалик сув сарфини 0,22-0,25 л/с пасайтириб берилиши тавсия этилади.

**УЧЕНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИРРИГАЦИИ И
ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ**

УТАЕВ АБДУХОЛИК АБДУРАШИДОВИЧ

**МЕТОДОЛОГИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЭЛЕМЕНТОВ ТЕХНИКИ
И РЕЖИМА ОРОШЕНИЯ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ НА ЗЕМЛЯХ
ПОДВЕРЖЕННЫХ ЗАСОЛЕНИЮ**

06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/T2212.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте ирригации и водных проблем.

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)), размещен на веб-странице по адресу (www.tiime.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Икрамов Рахимжон Каримович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Шеров Анвар Гуламович
доктор технических наук, профессор
Авлиякулов Мирзоолим Авазович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация: Ташкентский Государственный Аграрный Университет

Защита диссертации состоится «9» июля 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кары Ниязий 39. Тел: (99871) 237-22-67, 237-22-09; факс: (99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiim.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер № 176). (Адрес: 100000, Ташкент, улица Кары Ниязий 39. Тел. (99871) 237-19-45).

Автореферат диссертации разослан «23» июня 2021 года.
(реестр протокол рассылки № 176 от «22» июня 2021 года).



Т.З. Султанов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.А. Янгиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

М.Х.Хамидов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире применение водосберегающих технологий, направленных на эффективное использование водных ресурсов занимает одну из ведущих позиций. В развитых странах в условиях нарастающего засоления земель¹ при получении высокого урожая сельскохозяйственных культур, в том числе озимой пшеницы, необходимо широкое внедрение в практику режимов и технологии орошения позволяющие повысить эффективность использования водными ресурсы и увеличить получаемый урожай сельскохозяйственных культур. В связи с этим при возделывании озимой пшеницы на засоленных почвах особенно важно снизить расход оросительной воды, повысить эффективность полива, особое внимание необходимо уделить эффективному использованию элементов техники полива и режиму орошения.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по разработке новых научно-технических решений по ресурсосберегающим технологиям и орошению при выращивании озимой пшеницы. В этом направлении особое внимание уделяется исследованиям в области сбережения водных ресурсов при орошении озимой пшеницы. В связи с этим важно усовершенствовать методику определения оптимальных элементов техники полива озимой пшеницы, обеспечивающую нормальный рост и ее развитие, обосновать нормы и сроки полива на почвах склонных к засолению.

В Узбекистане в агропромышленном комплексе осуществляются широкомасштабные меры разработки ресурсосберегающей техники и технологий, позволяющих правильное определение элементов техники полива и режима орошения озимой пшеницы в соответствии с полевыми условиями. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в том числе, особо подчеркиваются проблемы «...применения интенсивных методов в сфере сельскохозяйственного производства, прежде всего, современных агротехнологий, экономящих воду и ресурсы²». Эти задачи важно выполнить, в том числе в условиях орошаемых полугидроморфных почв республики, на основе опыта определить эффективность использования элементов техники полива и режима орошения на участках с различной степенью засоленности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению Указа Президента Республики Узбекистан от 10 июля 2020 года № УП-6024 «Об утверждении Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы³», Указ Президента Республики Узбекистан от 17 июля 2019 года № УП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве»,

¹ <http://www.fao.org/faostat/#>; <https://www.zerno-ua.com>, https://ru.wikipedia.org/wiki/Засоленные_почвы.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О действиях по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 10 июля 2020 года № УП-6024 «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы».

Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 августа 2020 года № ПП-4801 «О неотложных мерах по эффективному использованию водных ресурсов и улучшению мелиоративного состояния земель в Джизакской и Сырдарьинской областях» и других нормативных правовых актов, относящихся к данной деятельности.

